

КИЧИК ЁШДАГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА МУСИҚИЙ ЭШИТУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ибрагимова Шахноза Баходировна

ГулДУ талабаси, Гулистон. Ўзбекистон

Телефон: +998972191771

Илмий раҳбар: Ибрагимова Нилуфар Адхамовна

Маълумки, муסיқа тили - ҳиссиёт ва кечинмалар тилидир. Муסיқий мазмун ижрочи томонидан ҳиссиёт ва кечинмалар орқали ифодаланади ва тингловчи томонидан худди шу тарзда идрок этилади. Зеро, тингланган муסיқага нисбатан шўх, энгил, қувнок, мунгли, майин - тарзидаги кайфият, ҳиссиёт ва кечинмаларни ифодаловчи баҳолар берилиши бежиз эмас, албатта.

“Муסיқа тинглаш” жараёнини “жонли ижро”да ҳам самарали ўтиш мумкин, бу эса ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчи муסיқий асарни ўзи ижро қилиши ёки бошқа маҳоратли ижрочини дарсга таклиф қилиш орқали ҳам яхши натижаларга эришиши мумкин.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари синфида муסיқа маданияти дарслари, болаларнинг ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда олиб бориш, бадий таълим берувчи восита сифатида муҳим аҳамиятга эга. Зероки, дастурда куйлаш ва тинглаш учун тавсия этиладиган кўшиқлар ва муסיқий асарлар, бахтли болалик, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, табиатга муҳаббат ҳақида асарлардан иборатдир. Муסיқа ижодкорлари – «композитор» – «ижрочи» – «тингловчи» ҳақида умумий тушунчалар билан танишадилар.

Муסיқа тинглашнинг ижобий таъсири ниҳоятда катта бўлиб, тинглаш орқали ўқувчиларнинг муסיқий идроки ва ҳиссиёти, тинглаб таҳлил қилиш малакалари такомиллашиб боради. Бу фан I-синфнинг савод ўргатиш даврида кичкинтойларга эстетик дид ва қувонч бағишлайди. Илк бор мактабга келган ўқувчилар ҳали ҳарф ва ёзувни билмагани учун уларга куй ва кўшиқ тинглатиш орқали муסיқа ҳақида илк тасаввурлар бериб борилади. Болаларга табиат, ўйинчоқлар, ҳайвонлар ҳақидаги асарлар кўпроқ ёқади, чунки бу ёшда уларда муסיқага мос ҳаракатлар бажариш иштиёқи жуда кучли бўлади. Яхши муסיқа болаларнинг онгига эмоционал таъсир кўрсатади. Улар тинглаш орқали бадий тасаввурга ҳам эга бўладилар. Умуман олганда, куй, кўшиқ тинглаш ўқувчиларни фикрлашга, созларни фарқлай билишга, ритмик саводхон бўлишга ўргатади. Масалан «Баҳор уйғониши» асарида юртимизга кўклам баҳор фаслининг кириб келиши, табиатнинг уйғониши, ундаги ўзгаришлар жараёни, баҳор элчиси — бойчечак ва бинафшалар очилиши, тарновлардан сумалакларнинг эриб томчилаши, шўх болакайларнинг варрак учириб чопишлари, қизалокларнинг сочларига толпопуклар тақиб ўйнашлари ва табиатнинг бениҳоя



гўзаллиги тасвирланади. Асар барчани она табиатга меҳрли муносабатда бўлишга, уни авайлаб-асрашга, яшил олам гўзалликларидан баҳраманд бўлишга, миллий қадриятларимизни эъзозлашга чорлайди.

Умумтаълим мактабларида бошланғич синф ўқувчиларига таълим- тарбия бераётган устоз ва мураббийлар кўпроқ қийинчиликни ўз гарданларига оладилар. Сабаби, хали на ёзишни ва на ўқишни билмайдиган, бироқ келажакда буюк инсонлар бўлиб етишиши мумкин бўлган жажжи ўғил-қизларнинг тақдири уларнинг қўлидадир. Шунинг учун ўқувчи ёшларга дарс бериш жараёнимизда ўта сергаклик ва ташаббускорлик билан ишга киришишимиз лозим. Бир кичкина хато ҳам келгусида панд бериши мумкин. Бошланғич синфларда мусиқа дарсини ташкил этиш орқали ўқувчиларда эстетик тарбияни шакллантиришда энг аввало қўшиқдан, куйдан завқ олишни ўргатиш муҳимдир.

«Мусиқа маданияти» дарсининг мусиқа тинглаш жараёнида ижро этаётган асарнинг композитори ҳақида, унинг ижодиёти ва бу асар қайси мусиқа санъатининг жанрига мансуб эканлигини билиб оладилар. Мусиқа саводини ўрганиш даврида мусиқий санъатнинг сир – атворини, мусиқий асарларнинг ёзилиши ва ижро этиш воситаларига эътибор бериб ўз мусиқий тарбияларини яна ҳам ўстиришга ундайдилар. Мактаб ўқувчиларининг мусиқий тарбиясида мусиқа ўқитувчисининг билимдонлиги, ўқувчилар билан муомаласи, мусиқий асарларни болалар тилида тушунтира олиши, асарларнинг бадиий томонларини ёритиб беришидан боғлиқдир.

Энди бошланғич мусиқа тинглаш машғулотларини қайси мусиқалардан бошлаш керак, ўзбек мусиқалариданми, рус ёки хорижий ғарб мусиқалариданми, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча биринчи навбатда миллий мусиқа асарларидан бошлаган маъқул. Чунки бола туғилганданок миллий маданий анъаналар бешигига киради, она сути билан бирга она тили, она алласи ва миллий ҳаётнинг барча оҳанглари унинг мурғак вужудига йўғрилиб боради. Болаларнинг мусиқа тинглаш малакалари анча ривожланиб боргандан кейин рус ва хорижий ғарб мусиқасига ҳам мурожаат қилса бўлаверади.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мусиқий эшитувини ривожлантириш ва шакллантиришда “ Мусиқа тинглаш” фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Мусиқа тинглаш жараёнига эътибор беришнинг муҳимлиги куйидагилардан иборат:

1. Ўқувчида миллий мумтоз ва чет эл классик мусиқаларини эшитиш орқали мусиқани ҳис қилиш қобилияти ортади уларнинг фарқига боради;
2. Ўқувчида “ Мусиқа тинглаш” маданияти ортади;
3. Мусиқий асардаги турли-туман мусиқий оҳанглар мусиқий асбобларнинг фарқига ета олади;
4. Умуман ҳар қўшиқ ёки куй ҳақида ўқувчиларнинг “ Мусиқий фикрлаш” доираси кенгайиб боради.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д. Каримова “Муסיкий педагогик маҳорат асослари” Т., “Иқтисод-молия” 2008.
2. Қ.Мирзаев “Вокал-хор жамоалари билан ишлаш методикаси” Т., 2010 й.
3. Мирзаев Қ.Т. “Болалар хор жамоаси билан ишлаш услубиёти”. Т., ЎзРФААК босмахонаси. 2009 й.

